

Ливан Қуръон мусобақасига тайёргарлик кўрмоқда



09:30 / 23.12.2021 969

Ливандаги «Ал-Бар Ал Тақво» уюшмасига қарашли Қуръон мактаблари 15 ёшдан 40 ёшгача бўлган эркак ва аёллар ўртасида «Резван» номли Қуръон мусобақасини ўтказди. Ушбу мусобақа ҳифз йўналишида бўлиб ўтади.

Қуръон мактаблари кетма-кет бешинчи мартаба Қуръон ҳифзи мусобақасини ташкил қилмоқда.

«Резван» деб номланган ушбу мусобақа Байрут жанубий шаҳаршунослари уюшмаси ҳомийлигида ўтказилади.

Ушбу мусобақада ғолиб бўлганларга 50 миллион Ливан лираси мукофоти берилади.

Мусобақа 2022 йилнинг февраль ойида бўлиши режалаштирилмоқда.

Ушбу танловда фақат Ливан фуқаролари қатнашишлари мумкин.

Танлов Маданий ва исломий таълим ассоциацияси ҳамда Ливан Кафлар уюшмаси билан ҳамкорликда ташкил этилмоқда.